

# ТУРКИЙ ҲАЛҚЛАР МИЛЛИЙ ФОЛЬКЛОРИДА ОСМОН ЁРИТҚИЧЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР

*Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти*

*“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси*

*доценти, т.ф.н З.С.Исоков*

## **Аннотация**

*Ушбу мақолада Ўзбек халқининг деҳқончилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар кенг манба ва адабиётлардаги маълумотлар билан таҳлил қилинган ҳолда ёритиб берилади. Муаллиф қиёсий таҳлил усули орқали ушбу урф-одат ва маросимларнинг Ўзбек халқига хос бўлган локал жиҳатларини очиб берган.*

**Калим сўзлар:** *Чўпон, Занги ота,, иссиқлик, совуқлик, қимиз.*

## **Annotation**

*In the article are described customs and rites of Uzbeks connected with agriculture. The autor of the article tried to present the peculiarity and differ features of these traditions from other regions on the base of comparative analisis of the dates in the published works and field experiences carried out bu the author. Also it is showed the shape and changes of customs and tires of agriculture from ancient times till present.*

**Keywords:** *Shepherd, Zangi ota, Raising energy, Lowering energy, Koumiss(fermented mare's milk).*

Маълумки самовий ёритқичлар асрлар мобайнида инсонларни қизиқтириб келган. Геродотнинг ёзиб қолдиришича, Марказий Осиёда антик даврларда яшаган қавмларидан бири массагетлар Қуёшни ягона тангри деб билганлар. Туркийларнинг қадимги динларидан бири бўлган “Кўк Тангри” динида эса бутун осмон юзини Худо деб тушунилган. Тангрининг осмонда эканлигига ишонч билдирилган. Осмон Тангри ҳисоблангани учун шу осмонда жойлашган Қуёш, Ой ва Юлдузлар ҳам муқаддас саналган.

Фарғона водийси аҳолиси анъанавий деҳқончилигида ҳам осмон ва сайёралар ҳаракати билан боғлиқ эътиқодлар алоҳида ўрин тутган.

Аждодларимиз йил фаслларининг ўрин алмашиши муддатлари билан бирга юлдуз буржларини ҳам жуда яхши билишган. Бунга сабаб самовий ёриткичлар ҳаракатини кузатишга асосланган ҳаётий тажрибалар кундалик ҳаётда муҳим амалий аҳамият касб этган. Шунинг учун деҳқон ҳам, чорвадор ҳам, боғбон ҳам юлдузлар ҳаракати, қуёш ва ойнинг ҳолатига қараб об-ҳаво қандай бўлишини аниқлай олишган. Эрталаб қуёш қизариб чиқса, иш куни ҳаво бузилади, қуёш қизариб ботса, эртасига кун яхши бўлади ёки тарози юлдузлари уфқ устида пайдо бўлса, ёз бошланганидан дарак беради [1.Б 36-38].

XIX аср охири - XX аср бошларида Фарғона водийсида Ўрта Осиёнинг бошқа худудлари сингари ислом динининг таъсири кучли бўлган. Одамлар осмону фалак сирлари ҳақида муайян илмий тасаввурга эга бўлмаганлар. Улар табиатда теварак-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар сабабини илоҳий кучлар ва инс-жинсларга боғлаб тушунтиришган. Одамлар осмон жисмларини маъбуд ва илоҳларнинг тимсоли деб қараганлар. Бу илоҳларнинг ҳар бири ўз характери ва одамларга муносабати жиҳатидан фарқланган бўлиб, эзгулик ва ёмонлик истовчи илоҳларга бўлиб тасаввур қилинган. Масалан қизғиш сайёра «Миррих (марс)»га қонни яхши кўрадиган «уруш худоси» деб энг ёруғ сайёра Зухра (Венера)га эса «гўзаллик маъбудаси тимсоли» деб ном берилган. Қадимги юнон афсоналарига кўра, осмондаги кўндаланг йўналган сомон йўли «маъбуданинг кўкрагидан отилиб чиққан сут» деб талқин қилинган [2. Б 5-6 ]. Ўзбек афсоналарида эса сомон йўли ҳаёлий қаҳрамоннинг боши осмонга текканда ҳосил бўлган сидириқ, аравадан тўкилган сомоннинг изи деб тасвирланади [3.Б 35-41].

Ёзма манбалардан маълумки, қадимги мунажжимлар самода рўй берган бир қанча ҳодисаларни «худонинг амри» билан боғлашган. Халқимиз орасида ердаги ҳар бир одамни осмонда юлдузи бор, мабодо юлдузлардан бири учса, ердаги кишилардан бирининг умри сўнади, деган мифологик тасаввурлар мавжуд бўлган [4. Б 39-43].

Осмон ёриткичлари ҳақидаги тасаввурлар ҳақида гап кетганда аждодларимиз улардан еттитасига кўпроқ эътибор қаратганини кўраимиз. Улар

куёш ва у билан боғлиқ олтига юлдуздир. Шу боисдан, дунё халқларида «етти» рақами ҳам муқаддаслаштирилган [5. Б 116-122]. Қадимий туркийларда барча юлдузларга нисбатан «јилдуз» сўзи қўлланилиб юқоридаги юлдузлар эса қуйидагига номлар билан юритилган. Муштарий (Юпитер) - «эрантўз», Мезон (Весы)-«қорақуш», Сурайё (Плеяда)-«ўлқар», Етти қароқчи «јэтікан», қутб юлдузи (Полярная звезда)-«тэмурқазуқ», миррих (Марс) юлдузи-«Бақирсоқим». [6. Б 47-48]

Ҳафтанинг ҳар бир куни муайян осмон жисмлари билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилинганлигини ҳисобга олсак, бир ҳафтада етти кун борлиги ҳам етти сайёра номи билан алоқадорлиги маълум бўлади. Жумладан Душанба Ой куни, Сешанба Миррих (Марс) куни, Чоршанба Аторуд (Меркурий) куни, Пайшанба Муштарий (Юпитер) куни, Жума Зухра (Венера) куни, Шанба Зухал (Сатурн) куни, Якшанба Шамс (Куёш) куни ҳисобланган. Шунингдек етти қават осмон билан етти қат ер тўғрисидаги асотирлар ҳам кенг тарқалган [7. Б 8-9].

Бу соҳа Зардўштиликнинг муқаддас китоби Авестода ҳам улуғланади. Чорвачилик жамият ҳаётида, тараққиётида асосий омил, ҳаттоки одамни қурбонлик қилишдан қутқарган восита бўлганлиги боис, чўпонлик барча иқтисодий формацияларда муқаддас профессионал касб даражасига кўтарилган. Шу сабабдан чўпон танланган, сараланган. Чўпонга таёқ топшириш, таёқ ушлатиш маросимлари ўтказилган.

Маълумки, чорва ҳайвонларига энг кўп зарар келтирувчи яйлов каналари (фанда бу қон сўрувчи паразитлар *Ixodidae* оиласи деб номланиб улар б-та авлодни ўз ичига олади: *Ixodes*, *Boophylus*, *Haemaphysalis*, *Dermacentor*, *Rhipicephalus*, *Nyaloma*) бўлиб [11], улар чорва ҳайвонларини яхши ривожланишига тўсқинлик қилган. Буларни йўқ қилиш учун чорвадорлар халқ орасида “Даримчи” деб, аталувчи инсонлар хизматида фойдаланишган. “Даримчи”лик жуда нодир касб бўлиб, ҳозирда бундай касб эгалари деярли қолмаган. Бундай инсонлар ўз хизмати учун анчагина яхши ҳақ олганлар. “Даримчи”лар иштирокидаги маросим қуйидагича ўтказилган. Чорва эгаси

“даримчи”ни ўз кўрасига таклиф қилгандан сўнг “даримчи” тоза покиза ва таҳоратли ҳолатда сурув яқинига келиб, ичи тозаланган, қовокдан тайёрланган идишга тоза сув тўлдирган ва ушбу сувга Қуръондан суралар ўқиб дам солган. Сўнгра ушбу идишни сурув ётадиган кўра ёнидаги бирор устунга илиб қўйган. Ушбу идиш шундай жойга илинганки тунда ушбу идиш ичидаги сувга самодаги юлдузларнинг акси тушиши шарт бўлган. Маросимнинг эртаси куни “Даримчи” ушбу қовокни олган ва Қуръондан суралар ўқиб тўплаб қўйилган сурув ичига кирган ва то идишдаги сув тугагунча ундаги сувдан оғиз бўшлиғига олиб сурувдаги қўйлар устига пуркаб чиққан. Ахборотчиларимизни маълумот беришларича, бу касб эгалари ўз касбини отадан ўғилга қолдиришга ҳаракат қилишган, жуда камдан кам ҳоллардагина бу қоида бузишга мажбур бўлишган. Ўз фарзандини “Даримчи”лик касбини олиши учун Бобо ёки ота ҳали фарзанд туғилмасидан тайёргарликни бошлаган. Фарзанд туғилишига икки ойга яқин муддат қолганда Ота 41 та тирик “иксодид( яйлов каналари)”ни топиб уларни Қамиш ўсимлигини (қамишнинг ичи ғовак бўлгани учун) бир бўғимига солиб ҳар икки томонини беркитган. Орадан 40 кун ўтиб қамиш очилган қамиш ичидаги каналар эса бир-бирини еб битириб фақат бир донаси тирик қолган. Ушбу кана эса бир кичикроқ идишга ёки пиёлага солиниб қуёшга қўйилган кана ўлиб, шу идишда қуритилиб фарзанд туғилишига қадар кутилган. Фарзанд туғилгач эса ҳали онасини кўкрак сутини истеъмол қилмасдан аввал қуритилган кана майда қилиб уқаланган ҳолда, сарёғга аралаштириб боланинг оғзига солинган. Ушбу расм-русумлар қилингандан сўнг эса ушбу чақалоқ балоғат ёшига етгунига қадар “Даримчи” бобоси, отаси ёки устози билан бирга юқоридаги маросимларни ўтказишга қатнашиб юрган. Бизнингча ушбу маросим исломгача мавжуд бўлган аждодларимизнинг диний қарашлари билан боғлиқ бўлиб кейинчалик ислом таъсирида ўзгарган.

Осмон ёритқичлари билан боғлиқ тушунчаларнинг яна бири бу асосан йилқичлик билан боғлиқдир. Маълумки от сутидан тайёрланадиган маҳсулот яъни “қимиз” чорвачилик билан шуғулланувчи барча этнослар озиқ-овқат рационидеги энг тансиқ маҳсулотлардан бири ҳисобланиб, бу ичимлик улар

томонидан шифобахш хусусиятга эга махсулот сифатида ҳам кадрланади. Ахборотчиларимизнинг маълумотларига қараганда ушбу ичимлик Хулкар (Сурайё, Плеяда) юлдузи кўрингунга қадар “иссиқлик” Хулкар юлдузи кўрингач “совуқлик” бўлар экан. “Иссиқлик” ва “совуқлик” тушунчалари эса халқ таъбаотида қадимдан маълум. Хулкар (Сурайё, Плеяда) юлдузи эса йилнинг 22-26 август кунлари илк бор кўрина бошлайди.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, Фарғона водийсида деҳқончилик ва чорвачилик машғулоти билан боғлиқ бўлган бир қатор урф-одатлар ва расм-русумлар мавжуд бўлган. Ушбу расм-русумлар эса халқимизнинг асрлар давомида шаклланган тафаккури ва дунёқарашининг махсулидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Об-ҳаво даракчилари. Т.: Адолат, 1996. Б. 36-38.
2. Эгамбердиев Б., Соатов А. Олимлар олам ҳақида. Т. 1990й. 6-бет.
3. Жўраев М. Сомон йўли ҳақидаги ўзбек халқ афсоналарининг мифологик асослари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. №1. Б. 35-41.
4. Жўраев М. Юлдуз учиши билан боғлиқ мифологик қарашлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. №2. Б. 39-43.
5. Фролов Б.А. Как появилась «Магическая семерка» // Атеистические чтения. М., 1970. №4. С. 116-122.
6. М.Қошғарий. Кўрсатилган асар III том 47 бет.
7. Эгамбердиев С., Соатов А. Олимлар олам ҳақида. Т., 1990. 7-бет.
8. Щербак А.М. Сал-наме (по рукописи В-721), хранящейся в рукописном отделе ЛО ИВАН // Письменные памятники Востока-1971. М., 1974. С. 171-180.
9. Ҳафтанома. Т., 1990. 2-8-бетлар.
10. Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. Тошкент. 2004 й. 48-52 б.
11. Чорвачиликда асосан иксодид( яйлов) каналари кўпроқ зарар келтиради. Ixodidae оиласи 6-та авлодни ўз ичига олади: Ixodes, Voophylus, Haemaphysalis, Dermacentor, Rhipicephalus, Nyalloma.